

«Smart bank» акциядорлик жамияти
Ягона акциядори йиғилишининг
2023 йил «6» fevral даги
02/1 - сонли қарорига
7-илова

«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ

Тошкент – 2023 йил

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати” (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат “Smart bank” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) дивидендларни шакллантириш, тақсимлаш ва тўлаш тартиботини белгилаб беради.

2. Банк Кузатув кенгаши томонидан акциялар бўйича дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишда ушбу Сиёсатдан фойдаланилади.

Мазкур Сиёсат асосида дивидендлар тўлаш масалаларида амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан ноаниқлик ҳолатлари вужудга келганда Ягона акциядор манфатлари ҳимоя қилинган ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари меъёрлари асосида ҳал қилиниши лозим.

3. Сиёсат 3 (уч) йил муддатга ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур 3 (уч) йиллик даврда Банк томонидан олинган соф фойда Банк Кузатув кенгашининг тавсиясига мувофиқ Ягона акциядор қарорига асосан тақсимланади.

4. Банк Ягона акциядорга дивидендлар тўлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ҳамда эълон қилинган дивидендларни тўлаш Банкнинг мажбурияти ҳисобланади ва Ягона акциядор олдида эълон қилинган дивидендларни (солиқ тўловлардан ташқари) тўлиқ миқдорда тўланиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

2-боб. Сиёсатнинг асосий мақсади ва тамойиллари


5. Сиёсатнинг асосий мақсади Банк ва Ягона акциядорнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, капиталлашув даражасини ошиш, Банк акцияларнинг котировкасини сақлаб туриш ҳисобланади.

6. Сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

шаффофлик – дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш шартлари ва тартиби, Сиёсатни амалга оширида иштирок этувчи томонларнинг масъулияти ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва ошкор этиш;

мавридийлик (муддатлилик) – дивидендлар тўловини амалга оширишда муайян муддатини белгилаш;

асосланганлик – Банкнинг мавжуд молиявий ҳолатини ҳисобга олган



холда, фақатгина ижобий молиявий натижаларга эришган тақдирда дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

адолат – дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарор ҳақида маълумотларни олишда тенг ҳуқуқликни таъминлаш;

мантиқийлик – Сиёсатнинг тартиб - тамойилларини катъий ижроси;

ривожланиш – Банкнинг стратегик мақсадлари ўзгариши натижасида корпоратив бошқарувни янада яхшилаш мақсадида меъёрий ҳужжатларни мунтазам равишда такомиллаштириш;

барқарорлик – Банкнинг дивидендлар тўлови даражасини барқарорлигини таъминлашга интилиши.

3-боб. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби

7. Банк Кузатув кенгаши Ягона акциядорга акциялар бўйича дивидендлар миқдорини, тўлаш тартиби ва шакли юзасидан тавсия киритади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаш томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Бунда Банк Кузатув кенгаши томонидан ташқи аудиторлик компанияси томонидан молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақидаги хулосаси ва ушбу молиявий ҳисобот маълумотлари асосида дивидендлар тўлаш бўйича тавсия берилади.

8. Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9. Ягона акциядор дивидендлар тўлаш бўйича қабул қиладиган қарорида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

дивидендлар тўланадиган акцияларнинг турлари;

битта акцияга тўғри келадиган дивидендлар миқдори (сўмда ва/ёки фоизда);

дивидендларни тўлаш тартиби ва муддати.


10. Банк қуйидаги ҳолатларда дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

дивидендлар тўланадиган даврида Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида вужудга келса;

Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва заҳира капитали суммасидан кам бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивидендлар тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиб, бунинг оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғилса;

Банкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг



дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

11. Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқ тўловларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

12. Дивидендлар бўйича солиқ тўловлари амалдаги солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби

13. Дивидендлар Ягона акциядор қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Бунда имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди. Шунингдек, эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

14. Дивидендлар Ягона акциядонинг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун муддатда тўланиши лозим.

15. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендлар Банк ихтиёрида қолади.

16. Дивидендлар Ягона акциядор томонидан белгиланган муддатларда Банкнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.


5-боб. Эълон қилинган дивидендлар бўйича жавобгарлик

17. Банк томонидан акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаш Банк мажбурияти ҳисобланади ва Ягона акциядор олдида эълон қилинган дивидендларни (солиқ тўловлардан ташқари) тўлиқ миқдорда тўланиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

18. Банк Бошқаруви Ягона акциядор олдида ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда дивидендлар тўловларини амалга ошириш бўйича жавобгар ҳисобланади.

19. Банк Кузатев кенгаши зарурият юзасидан Банк Бошқаруви томонидан Ягона акциядорга дивидендларни ўз вақтида тўланиши масаласини муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли интизомий чораларни қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

20. Банк томонидан ўз вақтида дивидендлар тўловлари амалга оширилмаган тақдирда Ягона акциядор ўзига тегишли бўлган дивидендларни



Судга ариза бериш тартибда ундириш ҳуқуқига эга.

6-боб. Ахборотларни ошкор қилиш тартиби

21. Банк томонидан тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

22. Ягона акциядор қарори Банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва ошкор қилиш тартибига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор қилинади.

7-боб. Яқуний қондалар


23. Ягона акциядор ўз акциялари бўйича унга ҳисобланган дивидендлар миқдори, ҳисоб-китоби ва солиқ тўловлари юзасидан банкка расман мурожаат этишга ҳақли.

24. Банкнинг барча ходимлари ва раҳбарлари томонидан ушбу Сиёсатга риоя қилиниши мажбурий ҳисобланади. Банкнинг тегишли раҳбар ва ходимлари томонидан мазкур Сиёсат талабларига риоя қилинмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Корпоратив маслаҳатчи тавсияси асосида Банк Кузатув кенгаши томонидан киритилади ва Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

26. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави нормаларига амал қилинади.



[Three handwritten signatures in blue ink]

ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Дивидент Сиёсати.
Экспертиза ўтказишда фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкнинг дивидентларини шакллантириш, тақсимлаш ва тулаш тартиботини белгилайди, сиёсатнинг асосий мақсади ва тамойиллари, дивидентлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби, дивидентларни тулаш муддати ва тартиби, эълон қилинган дивидентлар буйича жавобгарлик, ахборотларни эълон қилиш тартиби каби масалаларни мувофиқлаштиришга қаратилган.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишда қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинган.

Ҳуқуқшунос



М.Ғуломжонова